

Марҳум Хайруллоҳ домланинг руҳи покига 770 та хатми Қуръон бағишланди



14:20 / 18.09.2020 953

Куни кеча Тошкент вилояти бош имом-хатиби Хайруллоҳ домла Турматовнинг вафоти барчамизнинг кўнгилларимизни маҳзун этди.

Шу муносабат билан юртимиздаги жоме масжидларда меҳнат қилаётган имом-хатиблар, имом ноиблар, мадрасаларда хизмат қилаётган устозлар, сабоқ олаётган талабалар ва отинойилар томонидан 770 та хатми Қуръон ўқилди.

Хусусан, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидида ҳам жума намозидан кейин хатми Қуръон ўқилиб марҳум устоз ҳаққиларига бахшида этилди. Шунингдек, айти кунларда бемор бўлган юртдошларимизга, аҳли илмларимизга Аллоҳ таолодан шифо сўраб илтижолар қилинди.

Умрини дин хизматига бағишлаган бу марҳум уламанинг тортган дардлари барча саҳву хатоларига каффорат бўлсин. Қиёматда набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга қилсин!

Islom.uz портали